

АССОЦИАЦИЯ МАЙДОНИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7235323>

ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Scholar's

Received: 20-10-2022

Accepted: 21-10-2022

Published: 22-10-2022

Abstract. Мақолада когнитив тилшунослик ва унда ассоциатив майдон назарияси, концепт, концептосфера каби тушунчалар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Ассоциатив майдон назарияси асосчилари яън жаҳоннинг етук олимларининг тадқиқотлари билан таништиришга ҳаракат қилдик.

Keywords: Жаҳон, тилшунослик, майдон, назария, когнитивистика, концепт, концептосфера, сема, система, уя, менталитет, халқ, тил, миллат, тил, ассоциация, интелект...

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Сўнги йилларда жаҳон тилшунослиги ва шунинг қаторида когнитив тилшунослик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Рус олими В.А.Маслова когнитивистикани тилшуносликнинг этнолингвистика, нейролингвистика, психоллингвистика, лингвокультурология ва тарихий тилшунослик каби соҳалари билан бевосита боғлайди[1.]. Когнитив тилшунослик маданият ҳамда шахснинг олам ҳақидаги миллий онги остидаги таассуротларини ўрганиш билан боғланади. Ш.Сафаров “Когнитология турли фан соҳалари чорраҳасида юзага келган фан бўлиб, унинг тадқиқот соҳаси “билимни тўплаш ва қўллаш усуллари тадқиқ қилиш сифатида белгиланиши” ҳақида фикр юритган[2.]. Америкалик психолог Х.Гарднер когнитив фанлар чорраҳасида олти фан соҳаси туташишини, яъни фалсафа, психология, тилшунослик, сунъий интелект, антропология ва неврологияларнинг ўзаро мунособатидир, дея қайд этади[3.].

Кўриниб турибдики, когнитив тилшуносликни бошқа соҳалардан ажратган ҳолда тадқиқ этиш мумкин эмас, ушбу соҳа тадқиқи юқорида келтирилган йўналишларнинг умумий масалаларини қамраб олади. Ассоциациялар тадқиқи бевосита концепт тушунчаси билан боғланганлиги туфайли буларни когнитив тилшунослик назарияси асосида тадқиқ этиб, концептуал ассоциатив майдонлар хусусиятини очиқ бериш мумкиндир.

“Концепт” тушунчасига ҳам жаҳон олимлари томонидан ўзига хос турли изоҳлар берилган. “Концепт” кенг тушунча бўлиб, буни нафақат

когнитив тилшунослик, балки лингвокультурология, антропоцентрик назария асосида қараш лозим.

Таниқли олим, Ю.М.Лотман концепт тушунчасини индивидуум онгида халқ тажрибаси ва миллат инъикоси сифатида изохлайди. Ю.С.Степанов концептлар орқали шахсинг маданиятга киришишини ва айрим ҳолатларда унга таъсир этишини кўрсатади[4.]. И.Стернин ва З.Поповалар эса концептни шахс онгига тааллуқли эканлигини айтиб, уни инсон тафаккурининг глобал бирлиги сифатида таърифлайди[5.]. Қатор тақиқотчилар кишиларнинг фикрлаши дифференциал ва новербаллигини, бу жараён универсал предметга тааллуқли код орқали амалга ошишини таъкидлайди. Кишилар концептлар орқали фикрлашади ва улар ўз навбатида умумий, универсал предметга тааллуқли код базасини ташкил этади [6.].

Концепт остида ҳар қайси сўзнинг маънолари ва тушунчалари ифодаланади. Концепт тушунчасида асрлар мобайнида шаклланган халқ тажрибаси, маданияти ва қарашлари мужассам бўлади. Концепт тушунчаси тил ва маданият каби тушунчаларининг ички маъно- семантикасини ўзида мужассамлантириб, ҳар қандай тилни объектив ва тўлиқ мантиқий таҳлилга олиб боради.

Д.Худойберганова концепт тушунчасига Д.Худойберганова уч соҳа орқали изоҳ беради: “Концепт “когнитив тилшуносликда инсон онгининг ментал ва руҳий имкониятлари, унинг билими ва тажрибасини акс эттирувчи ахборот тизими бирлиги” ни, инсоннинг билиш ва мулоқот фаолиятида юзага келадиган, унинг руҳияти қонуниятларига бўйсунувчи ҳаракатчан перцептив-когнитив-аффеktiv тузилма” ни ифодалашини таъкидлайди [6.].

Ассоциациялар тадқиқи концепт тушунчаси орқали изоҳланиши табиий. Ҳар қайси сўз орқали киши онгида маълум бир тушунчалар пайдо бўлади. Ҳар қайси сўзга биз турли вазиятларда ёндашамиз ва улар орқали муайян сўзга хос тушунчалар ҳосил бўлади. Тушунчалар ёки концептлар ҳар бир инсон онгида муайян бир миллат вакили сифатида ўзига хосликни ташкил қилиб, миллатга хос онги ва тафаккурини намоиш этади.

Ҳар қандай концептнинг ўз концептосфераси мавжуд бўлиб, бу эса ўз навбатида алоҳида шахс ёки халқнинг умумий концептосферасининг ташкилий элементларини ҳосил қилади. Концептосфера тушунчаси эса майдон тушунчаси билан бевосита боғланади. Концептосферик майдон остида тил ва маданият семантикасининг муайян ўзига хос тизими тавсифланади. Мазмуний, тушунчавий ва ассоциатив майдонлар бирлашиб умумий концептосферик майдонни ташкил қилади. Концепт ва

концептосфераларни тадқиқ этиш когнитив жараёнларнинг шаклланиши, вужудга келиши ва умумийлашишига жиддий сабаб.

Масалан, рус олими Гайдукова когнитив жараённи кишининг ҳиссиёт ва тушунча қабул қилиш ҳамда тафаккурига асосланган “олам манзараси” билан боғлайди. “Олам манзараси” олам образида кишиларнинг олам билан боғланишида ўз ифодасини топади.

Когнитив жараён ҳар қайси шахснинг онгида акс этган “олам манзараси” билан бевосита боғланган бўлиб, объектив борликни субъектив ёндашув орқали таърифлайди. Туйғу, тасаввур ҳамда шахснинг фикрлаши асосида шаклланган “олам манзараси” тушунчалар шаклланиши ва умумийлаштирилишида меъёр ва кадриятлар тизимига таянади.

Лисоний олам манзараси маълум бир жамият онгида шаклланган бўлиб, бу қуршаб турган оламнинг концептуаллаштириш масалалари билан боғлиқлигини ифодалайди. Ҳар бир табиий тил ўзининг лисоний олам манзарасига эга. Ҳар қайси инсон предмет ёки тушунча ҳақида ўз субъектив образига эга. Субъектив образ ташқи олам билан муносабатда бўлганда объектив бўлиши мумкин.

Л.Вайсерберг лисоний олам манзарасини маълум бир миллат маданияти ва маънавиятининг ўзига хослиги, миллатнинг тарихий ривожланиши деб таърифлайди. Шу билан бирга лисоний олам манзараси товуш, тил соҳибларининг артикуляция апарати, нутқнинг просодик элементлари, луғат таркиби, сўз ясалиши, гаплар синтаксиси ҳамда паремеологик бирликларини ўз ичига қамраб олади. Лисоний олам манзараси табиатнинг ташқи олами ва инсоннинг ички оламини тил тизимини яхлит ҳолда тушуниш ва қабул қилиш билан бирга эътироф этади. Лисоний олам манзараси ўзгарувчанлиги билан характерланади. У маълум бир жамият онгида мавжуд бўлиб, авлоддан авлодга ҳаёт тарзи, жамиятнинг дунёқараши, анъаналари орқали ўтади. Маълум бир миллатнинг лисоний олам манзараси унинг умуммаданий, ўзига хос умумий мулки ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, тил – миллат кўзгуси бўлиб, халқ ва миллат маданияти тилда вербаллашади. Маълум миллатга тегишли бўлган тил ўзида маданиятнинг асосий концептларини мужассам этар экан, улар сўзлар орқали ўзига хос ифодасини топади. Тил орқали шаклланадиган олам модели эса объектив оламнинг субъектив образи сифатида, ўзига хос антропоцентрик характерни шакллантиради. Ҳар қандай тил эса ўзига хос ва мос бўлган олам манзарасини белгилайди.

ЛИТЕРАТУРА:

1. 1.МасловаВ.А.Введение в когнитивную лингвистику.https://www.litmir.me/br/?b=211648&p=1#section_3 (12.07.2016)
2. 2.Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. - Сангзор нашриёти, Жиззах. 2006. - Б.19.
3. 3.Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. - Сангзор нашриёти, Жиззах. 2006 .-Б.19; бу хақида қаранг: Gardner Н. The mind is new science. A history of the cognitive revolution. - USA. Basic books, 1987.
4. Степанов Ю. С. Константы: Словарь русской культуры – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – 824 бет.-Б.40-41.
5. 5.Попова З.Д., Стернин И.А.Очерки по когнитивной лингвистике. Воронеж: «Истоки», 2003.- С.15
6. 6.Выготский1982, Жинкин1958
7. 7.Худойберганава Д.Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. -Тошкент: “Турон замин зиё”, 2015.- Б.25.
8. 8.Курбонова М.О. Aesthetical and philosophical views in the hermeneutical features of the independence poems.Восточный журнал социальных наук.Том 2,выпуск №05.<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss/article/view/284>
9. [h p /ojss /article/view/284](https://www.supportscience.uz/index.php/ojss/article/view/284)